

## **TERRITORIAL CHARACTERISTICS OF SECONDARY METAL WASTE MARKET**

Nizamov Ahtam Numonovich

SamSU Head of the Department of Branch Economics

Imomov Bohodir Mamanazar oglu

SamSU undergraduates

### **Annotation**

The article provides feedback on improving the efficiency of collection and processing of secondary ferrous scrap. Recommendations for the collection of secondary ferrous metal fragments are given.

**Keywords:** secondary ferrous metal, natural resource, self-employment, population, trade turnover, import, export.

**Калитли сўзлар:** иккиламчи қора метал, табиий ресурс, ўз-ўзини банд қилиш, аҳоли, савдо айланмаси, импорт, экспорт.

**Ключевые слова:** вторичный черный металл, природные ресурсы, самозанятость, население, товарооборот, импорт, экспорт.

Жамиятнинг шиддат ила ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланишини тақозо этади. Табиий ресурслардан фойдаланиш уларни худудда мавжудлиги, фойдаланиш жараёни, ресурсларнинг чекланганлиги, атроф-муҳитни ифлосланиш ҳавфи кабиларга бевосита боғлиқ бўлади.

Ер қаридан қазиб олинган табиий ресурслардан атига 2-3 % фойдали маҳсулотдир. Шунинг учун табиий ресурслар қазиб чиқаришдан кўра иккиламчи ресурсларни жалб этиш бир неча баробарга арzon тушади.

Иккиламчи ресурсларни, шу жумладан метал чиқиндиларни заарсизлантириш ва уларни қайта ишлаш долзарб муоммолардан биридир. Чиқиндиларни экологик хавфсизлик талаблариiga мос равишда қайта ишлаш, фуқоролар ҳаёти ва соғлигига, атроф-муҳитга заарли таъсирини камайтириш, ишлов бериш жараёнида чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан оқилоно фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли товарлари ўз хизматини ўтаб бўлганда, маънавий эскирганда чиқиндига айланади. Иккиламчи ресурсларни пайдо бўлиши тупроқ,

# INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

[www.journalnx.com](http://www.journalnx.com)

сув ва ҳавони ифлослантирувчи манбага айланиб катта-катта ер майдонларини банд килишга олиб келади. Бу эса ўз навбатида ушбу муаммони кескинлашувига олиб келади.

Чиқинди ва иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини камайтиради, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади ва табиатни, атроф- муҳитни, экологияни сақлашда ўзининг муносабат ҳиссасини қўшишга олиб келади.

Тадқиқот объекти қилиб “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ Иккиламчи қора металлар бошқармаси Самарқанд филиали асос қилиб олинди. Вилоят қора металл парчаларини “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ га етказиб бериш курсаткичларини қуриб чиқадиган бўлсак 2019 йил 37359 тонна қора метал парчалари тайёрланиб етказиб берилган. Бу курсаткич 2020 йилга келиб 45149 тоннага етган. Яни хисобот йилида ўтган йилга нисбатан иккиламчи қора метал парчаларини тайёрлаб етказиш 20,8 % га ошган.

Вилоядда Самарқанд ИҚМ филиалида аҳоли ва корхоналардан йифиб олинган қора метал парчаларини “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ нинг метал еритиш қозони талабларига мувофиқ 2000x1050x750 мм улчамли енг камидаги 40 кг оғирликдаги қора метал парчалари пакет куринишида стандартларга мослаштириб пресланади. Демак аҳолидан ва корхоналардан йифилган қора метал парчаларини корхонада жунатишга тайёрланади ва стандарт асосида пресланади. Пресланган қора метал пакетлари “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ га жўнатилади. Демак биз томондан ўрганиладиган корхонани иккита курсаткичда ифодалаш мумкин; биринчидан тайёрлов иккинчидан стандартларга мувофиқ преслаб ва сараланганд қора метал парчаларини жўнатиш хисобланади. Корхонада 100 дан ортиқ аҳолини меҳнат билан таъминлаган.

Фақатгина, Самарқанд вилояти бўйича 2019 йилнинг натижаларига қараб шуни таърифлаш мумкинким ташқи савдо айланмаси 1744,5 млн АҚШ долларини ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 7,7 % ўсган. Шундан 391,6 млн АҚШ доллари экспорт бўлса, 1352,9 млн АҚШ доллар миқдори импортни ташкил қилган, яни ўтган йилга нисбатан 3,7 % ўсган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинким ҳар 1 АҚШ долларлик экспортга 3,45 АҚШ доллари миқдорида импорт тўғри келади. Иқтисодий қарамлик тендинцияси республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кузатилмоқда. Вилоятимиз бўйича импорт таркиби таҳлил қилинганда Эрондан 303 тонна сим, 6,5 млн АҚШ долларлик, Хитойдан ишлатилган автомобиль эҳтиёт қисмлари 500 минг АҚШ долларига, 340,5 млн АҚШ долларига мебель ишлаб чиқариш учун пружина, 7 млн АҚШ долларлик иссиқхона

жихозлари, 2,7 млн АҚШ доллариға рефрижиратор, Кореадан 12,6 млн АҚШ доллариға 2 гектарга мулжалланган иссиқхона жихозлари сотиб олинган. Бундан ташқари қўпгина вилоятларимизда ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган метал, пластмасса, шиша-ойна товарлари чет элдан харид қилинган. Ачинарли томони шундаким, экспорт қилишимиз лозим бўлган томат, кетчуп, макарон маҳсулотлари, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар хам харид қилинмоқда

Умумий чиқиндиларни қайта ишлаб чиқаришга йуналтирилган ҳиссаси Финландияда 33% бўлса, ундан энергия олиш мақсадида ёқиш 17 % ташкил этса, бу кўрсаткич Швецияда мос равищда 30 % ва 44 %, Нарвегияда 18% ва 22 %, Голландияда 30 % ва 55 %, Данияда эса 15 % ва 30 % ташкил этади. Қолган чиқиндилар алоҳида ажратилган жойларда кўмилади ва компослаштиради.

Иккиласми чора метал парчаларини тайёрлов ва сотиш буйича назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуидагича фикр ва мулохазалар билдириш имкониятини яратди:

- аҳоли яшайдиган маҳаллаларда маҳсус тарози ва улчов инвентарлари билан жихозланган юқ машинаси (мобиль гурухлар) орқали аҳолидан иккиласми чора метал парчаларини йиғиши ташкил этиш;
- аҳолидан шу билан бирга жун, тери, сувак, макалатура, шиша, қурилиш материаллар чиқиндилари кабиларни маҳсус график асосида харид қилишни ташкил этиш;
- аҳоли томонидан чора метал парчаларини топширишни рафбатлантириш (имтиёзли кредит, маълум миқдорда чора метал парчаларини топширган аҳолини меҳнат стажига киритиш, даромад солигидан озод этиш) ва бошқалар;
- чора метал парчаларини йиғиши билан шуғулланувчи шахсларни ўз-ўзини меҳнат билан бандлигини таъминланганлар тоифасига киритиш;
- оммавий ахборот воситалари орқали иккиласми чора метал прарчаларини харид қилишни кенг тарғибот қилиш.

-Хар бир туманда иккиласми чора метал парчаларни таёrlов ва харид қилиш пунктъни барпо этиш;

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон республикасидаги ягона Бекобод туманидаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ фаолиятини келажакда янада ривожлантириш учун мамлакатимиз чора метал парчаларини харид қилиш ва тайёрловни янада ривожлантириш бизнинг фикримизча давлат миқиёсида чиқиндиларни утилизация буйича давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Дастурда темир парчаларини тайёрлов

фаолиятни күпмұлқчылық асосида ташкил этиб рақобат мухутини яратиш лозим. Фақат шундагина ахолидан нафақат темир терсакларни бошқа чиқиндиларни харид қилиш, утилизация қилиш, қайта ишлов бериш, сотищ, қумищ, компослаштириш жараёнларини экологик талабларга амал қилиб стандартлар асосида қайта ташкил қилиш мүмкін.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.”Чиқиндилар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент 2002
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 майдаги ПҚ 3730 сон қарори.
3. Жумаев Т.Ж Иккиламчи ресурислардан фойдаланишни тартибга солиш уқув қулланма Тошкент ТДГУ 2004 йил.
4. “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ Самарқанд филиалининг хужалик фаолиятининг 2019-2020 йиллардаги курсаткичлари
5. Самарқанд вилояти буйича 2019 йил статистик маълумоти.Самарқанд вилояти статистика бошқармаси.
- 6.Прибытков М.А Региональные аспекты совер шенствования методов утилизации городских отходов журнал. Проблемы современной экономики №2(22) 2007